

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

БАЗАРОВ ЗОКИР МЕХРИКУЛОВИЧ

**БАДИЙ ТАРЖИМАДА ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК
БЎЁҚДОРЛИКНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ
(А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг
инглизча таржималари мисолида)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Базаров Зокир Мехрикулович

Бадий таржимада лексик-стилистик бўёқдорликни сақлаш муаммолари
(А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглизча таржималари
мисолида) 3

Базаров Зокир Мехрикулович

Проблемы сохранения лексико-стилистической окрашенности в
художественном переводе (на примере английских переводов романа
А.Кадыри «Минувшие дни») 27

Bazarov Zokir Mekhrikulovich

The problems of saving lexical-stylistic colouring in literary translation (on the
example of English translations of A.Qodiriy’s novel “The Days Gone by”) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

БАЗАРОВ ЗОКИР МЕХРИКУЛОВИЧ

**БАДИИЙ ТАРЖИМАДА ЛЕКСИК-СТИЛИСТИК
БЎЁҚДОРЛИКНИ САҚЛАШ МУАММОЛАРИ
(А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг
инглизча таржималари мисолида)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil464 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тухтасинов Илҳомжон Мадаминович**
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: **Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович**
филология фанлари доктори, профессор

Холиқов Баҳодир Алиқулович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2020 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).



Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

А.А. Яхшиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.Қ. Турниёзов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари интеграциялашуви натижасида дунё ҳамжамияти вакиллари бир-бирининг маданиятини ҳам ҳар томонлама ўрганишга ҳамда шу аснода турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интиломда. Турли халқлар маданиятининг ўзаро интеграциялашуви ўша халқларнинг санъати, адабиёти каби муҳим соҳаларда алоқаларнинг ривожланишида кўринади. Ҳар бир миллатнинг маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи каби ўзига хос жиҳатлари бадиий адабиётда кенг кўламда намоён бўлади. Шу маънода, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўрганиш нафақат бадиий асар сир-синуатларига ошно қилади, балки ўша халқ маданияти, кадриятлари, урф-одатларидан ҳам хабардор қилади.

Дунёнинг йирик таржима марказларида илмий адабиётлар билан бир қаторда бадиий адабиётларнинг ҳам таржима қилиниши аслият матни яратилган мамлакат халқининг тилига, адабиётига ҳамда маданиятига қизиқишнинг юксак даражада эканлигини билдиради. 2019 йилнинг 27 декабрида Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг Марк Рис ва 2018 йилда Ислон Каримов фонди кўмагида Францияда Кэрол Ермакова томонидан қилинган инглиз тилидаги таржимасининг тақдимот маросими ўтказилиши ўзбек адабиёти ва шу орқали ўзбек маданиятига дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билдирилаётганидан далолат беради. Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи 2017, 2018, 2019 йилларда уч маротаба турли миллат вакиллари томонидан инглиз тилига таржима қилингани бу асарнинг юксак бадиий қийматга эга эканлиги ва бу таржималар янги-янги тадқиқотлар учун долзарб кузатиш объекти бўлишидан далолат беради. Ўзбекистоннинг миллий маънавий бойлигига айланган “Ўткан кунлар” романи хорижлик ўқувчилар орасида ҳам ўз мухлисларига эга бўлса ажаб эмас. Айни чоғда асар хориж ўқувчисини ўзбек халқининг маънавий олами, юксак бадиий тафаккури ва умрбоқий кадрият ва анъаналарига ошно этади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш»¹ устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиши илм-фан ва техника соҳаларининг сўнгги ютуқларидан мамлакатимиз ёшларини бохабар этишда адекват таржималарни амалга ошириш ва бунинг учун таржимашунослик соҳасига доир илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш ва шу орқали етук таржимонларни тайёрлаш вазифасини янада долзарблаштирмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғонумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори, 2018 йил 10 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги 816-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ҳамди маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий таржиманинг лингвистик ва экстралингвистик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари юртимиз ва хориж олимлари томонидан олиб борилган. Мамлакатимизда бадиий матндаги тасвирий воситалар, стилистик синонимлар, фразеологик бирликларнинг берилиши, олам миллий манзарасининг миллий-маданий хусусиятлари, бадиий таржиманинг лингвокультурологик ва лингвостилистик хусусиятларига оид тадқиқотлар Қ. Мусаев, Д. Хошимова, А. Шарипова, Р. Ширинова, З. Тешабоева, У. Йўлдошев, М. Холбековларнинг ишларида амалга оширилган².

²Мусаев Қ. Стилистические вопросы художественного перевода с английского языка на узбекский. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самарканд: 1967 – 25 б. Хошимова Д. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. филол.фан...док.(DSc) дис.автореф.– Тошкент: 2018. – 74 б. Шарипова А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари. филол.фан...док.(PhD) дис.автореф.–Тошкент: 2017. – 22 б. Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. – 26 б. Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. – 20 б. Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. – 17 б. Холбеков

Хорижда бадий таржиманинг ўзига хос муаммолари, бадий матндаги коннотатив маъноларни таржимада қайта акс эттириш масалалари бўйича Ж. Винай, Ж. Далбарнет, П. Скаве, К. Лиу, Х. Зҳанг, П. Крингс, Е. Гентзлер, А. Барселона каби олимлар³ изланишлар олиб боришган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқот ишларнинг аксарияти бадий таржима муаммоларига бағишланган. Д.Хошимова “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи⁴ мавзусидаги диссертациясида “Бобурнома” матнидаги тасвирий воситалар таржимасининг лексик, семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб берган. У.Ўйлошев ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржимасида стилистик воситалар ва миллий-маданий лексик бирликларнинг хусусиятларини тадқиқ этган⁵. Р.Ширинова ўзининг докторлик диссертациясида бадий таржимада олам миллий манзарасининг қайта яратилиши муаммоларини концептуал таҳлил қилиш ва адекват таржима яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан⁶.

Таҳлил қилиб чиқилган ишлардан фарқли ўлароқ, бизнинг тадқиқот ишимизда метафора, метонимия, муболаға лексик-стилистик воситалар ва фразеологик бирликларнинг асл бадий матнда қўлланиш хусусиятлари ва уларнинг таржимада берилиш усуллари, ушбу лисоний бирликларни таржима қилиш стратегиялари ҳамда икки хил таржима нусхаларини қиёслаш асосида таржима қилиш технологияси тизимлаштирилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Тил, маданият, таржима ва мулоқот муаммолари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини инглизча таржималарида лексик-стилистик бўёқдорликни сақлаш муаммоларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

М.Н. Таржимашунослик ва таржима танқиди. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2015. – 112 б.

³Vinay J.P. and J. Darbelnet. *Stylistique comparée du français et de l’anglais*. - Paris: Didier: Georgetown University Press, 1977. – 331 p. Scavée P. and Intravaia, P. *Traité de Stylistique Comparée. Analyse Comparative de l’Italien et du Français*, – Bruxelles: Didier, 1979. – 225 p. Liu Q., Zhang X. *Towards the Translation of Figurative Language*. Canadian Social Science. Vol.1 No. 1. 2005. – 122 – 126 p. Krings H.P. *Translation Problems and Translation Strategies of Advanced German Learners of French*. In J. House, S. Blum-Kulka (Eds.), *Interlingual and intercultural communication*. Tübingen: Gunter Narr. 1986. – 263-75 p. <http://www.bokorlang.cpm/jornal/41culture.htm>; Gentzler E. *Metaphor and Translation*. *Encyclopaedia of Literary Translation into English* Vol. 2. – London: Fitzroy Dearborn Publisher, 2000. – 941-945 p. Barcelona, A. (2002). *Clarifying and Applying the Notions of Metaphor and Metonymy within Cognitive Linguistics: An update*. In Dirven R. and R. Porings (Eds.), *Metaphor and Metonymy in Comparison and Contrast*, [Cognitive Linguistic Research 20], 207-279. – Berlin/New York: Mouton de Gruyter.

⁴Хошимова Д. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филол. фан.....док.(DSc) дис.автореф. – Тошкент: 2018. – 74 б.

⁵Ўйлошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. –17 б.

⁶Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. – 26 б.

Ўзбек тилидан инглиз тилига қилинган таржималарга бағишланган илмий ишларда тавсифланган бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш ва коннотатив маънога эга лексик birlikларнинг таржима қилиш усулларини белгилаш;

метафора, метонимия, муболаға лексик-стилистик воситаларнинг қўлланиши билан боғлиқ бадиий матннинг прагматик муаммоларини очиб бериш;

метафора, метонимия, муболаға лексик-стилистик воситаларни таржима қилиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланган метафора, метонимия, муболаға стилистик воситаларини ҳамда фразеологик birlikларнинг стилистик хусусиятларини таржима матнида қайта акс эттириш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ва унинг инглиз тилига И. Тухтасинов, О. Мўминов, А. Ҳамидов ҳамда К. Ермакова томонидан қилинган таржималари танланди.

Тадқиқотнинг предмети А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглизча таржималарида лексик-стилистик хусусиятларни чоғиштирма тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Ишимизда қиёсий таҳлил, дескриптив, статистик, контекстуал ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадиий матнга хос коннотатив маънога эга лексик birlikларнинг бадиий, импликация ва экспликация амаллари воситасида таржима қилиш самараси асосланган;

бадиий матннинг прагматик қийматини таржимада қайта яратишда лингво-семантик ва коммуникатив омилларнинг устуворлиги очиб берилган;

метафора, метонимия, муболаға ва фразеологик birlikлар бадиий матнда қўлланишининг концептуал-прагматик асослари аниқланган;

метафора, метонимия, муболаға стилистик воситаларини таржима қилиш стратегиялари ишлаб чиқилган;

фразеологик birlikларнинг стилистик хусусиятларини таржимада аналогия, доминант лексика асосида акс эттириш усуллари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асл матндаги стилистик бўёқдорликни акс эттириш учун таржима тилида мавжуд бўлган коннотатив маъноларга эга лексик birlikларни таржима қилиш усул ва йўлларида фойдаланиш таклиф этилган;

бадиий матнда стилистик бўёқдорликни ҳосил қилувчи метафора, метонимия, муболаға стилистик воситаларни таржима қилиш стратегияларидан таржимон тайёрлайдиган олий ўқув юртларида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш имконияти белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланган ёндашув ва воситаларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги,

хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти таржимон ва филолог тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларини, жумладан, “Бадиий матн таржимаси”, “Ёзма таржима”, “Стилистика ва матн таҳлили” кабиларни ўқитишда, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, таржиманинг лингвостилистик аспекти бўйича изланиш олиб борадиган тадқиқотчилар учун муҳимлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижалари ИТД-1-119 «Ўзбек адабиёти антологияси»ни инглиз тилига таржима қилиш ва адабиётлараро коммуникация муаммолари», ОТ-А1-53 «Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун «Translation in Use» дарслигини яратиш ва нашр қилиш» каби илмий-амалий лойиҳалар, таржимашунослик, лексикология соҳаларида яратиладиган турли хил луғатларни тузишда манба вазифасини ўташида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бадиий таржимада лексик-стилистик бўёқдорликни сақлаш муаммолари, лексик-стилистик воситаларни таржима қилиш стратегияларнинг тадқиқи бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

тадқиқот ишида илмий асосланган таржима методлари ва трансформацияларига оид назарий хулосалар асосида ОТ-Ф8-062 “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 89-03-2419-сон маълумотномаси). Ушбу фундаментал лойиҳа доирасида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида лексик-стилистик воситаларнинг қўлланилиши таҳлили бобидаги тилшунослик ва адабиётшуносликнинг тасвир объектига доир қарашларидан, метафора, метонимия, муболаға каби бадиий-тасвирий воситаларнинг бадиий матндаги ўрни ва таржима жараёнидаги ўзгаришлари қиёсий таҳлили натижаларидан фойдаланилди;

Ўзбекистонда таржима, унинг тавсифи, хоссаси, ўзига хос хусусиятлари борасидаги янги ёндашувлар сифатида И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 89-03-2419-сон маълумотномаси) бадиий таржима жараёнида лексик-стилистик бўёқдорликни сақлаш муаммолари бўйича билимини ошириш, шунингдек, таржима матни таҳлилида лексик-стилистик воситаларни ўзида мужассамлаштирган сўзлар, сўз бирикмалари, ибораларнинг маданий мазмунини сақлаган ҳолда таржима тилида баён этиш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, олий таълим муассасаларида ўтиладиган бадиий таржимага доир фанларнинг мавзу доирасини бойитиш ва мукамаллаштиришда фойдаланилди;

Қиёсий адабиётшунослик соҳасидаги билимини ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлашда Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус + дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли лойиҳаси (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июлдаги 89-03-2419-сон маълумотномаси) доирасида халқаролаштириш мақсадида яратилган қўлланмалар, мақолалар, тезислар ёзишда янги ёндашувлар сифатида мазкур тадқиқот ишидаги илмий хулосалардан фойдаланилди;

Самарқанд вилояти телевидениесининг 2020 йил, 2 июль санасида эфирга узатилган "Ассалом, Самарқанд!" кўрсатувида (Самарқанд вилояти телевидениесининг 2020 йил, 4-июлдаги маълумотномаси) бугунги кунда ўзбек таржимачилиги ва унинг тараққиёт тенденциялари, шу билан бирга бадий таржима ва унда миллий ўзига хосликнинг ифодаланиши ҳақида томошабинларга маълумот берилди, натижада телетомошабинларнинг қиёсий адабиётшунослик борасида билим савиялари ошди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Таржимашуносликда бадий таржима талқини**” деб номланади. Унинг “Ўзбек тилидан инглиз тилига билвосита ва бевосита таржималар хусусида” деб номланган биринчи қисмида ҳозирги кунда таржима жараёнида учрайдиган қийинчиликлар

тадқиқотчилар томонидан берилган муносабатлар, шунингдек, билвосита ва бевосита таржима хусусида сўз юритилади.

Таржима, унинг таърифи, ўзига хос хусусиятлари борасида Ўзбекистон, Россия ва Европанинг шу соҳада тадқиқот олиб борган олимлари томонидан муносабат билдирилган.

Таржима орқали ўзаро адабий алоқа алмашинуви амалга оширилади. Ўзбекистонда таржимачилик узоқ тарихга эга. Таржима жараёнисиз ҳозирги замон ҳаётини дунё миқёсида тасаввур этиш қийин. Таржима орқали маълум бир халққа тегишли маданият, урф-одат, қадриятлар бошқа тилда сўзлашувчи халқларга ҳам таниш бўлади. Таниш бўлиш орқали тушуниш, тушуниш орқали дўстлик юзага келади. Дўстликнинг мустаҳкамланиши қарашларнинг, қадриятларнинг эъзозланишидир. Таржима натижасида тиллараро мулоқот воситаси пайдо бўлади. Тиллараро мулоқот маданиятлараро воситани юзага келтиради. Бежизга улуғ шоир Аваз Ўтар ўғли “тил воситаи робитаи оламиёндин”, демаган⁷. Бу сўзларнинг замирида бир олам маъно мужассам. Асосий фойдаланиш воситаси айнан тил бўлган таржимон ҳақида худди шу фикрни қўлласак, айти муддао бўлади.

Ўзбекистонда таржима назарияси ва амалиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бўлган Ғ.Саломов таржимага қуйидагича таъриф беради: “таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигидадир”⁸. Таржима орқали бир миллат вакиллариининг ижодий намуналари ўзга халқ вакилларига таништирилади. Бу жараёнда таржимон, Ғ.Саломов таъкидлагандек, ижодкор вазифасини ҳам бажаради.

Асл нусха ва таржима тиллари лисоний имкониятлари одатда ўзаро уйғунлик ҳолатида бўлмаслиги, яъни икки тил сўз ва ибораларининг мазмуни билан эстетик қиймати қатор матний ҳолатларда бир-бирининг ўрнини қоплай олмаслиги талай таржима қийинчиликларни юзага келтиради. Бундай ҳолларда ифоданинг бадиий-эстетик қийматини қайта яратиш таржиманинг аслият матнига моддий жиҳатдан эмас, балки вазифавий монанд келишини тақозо этади⁹. Таржимавий муаммоларни ҳал қилиш таржимондан пухта филологик билим ва тегишли назарий тайёргарликни талаб қилади. Таржимон назарий билимни таржима амалиёти таҳлили асосида эҳтиёж туфайли вужудга келиб, кенг кўламда фаолият кўрсатаётган таржима назариясидан олади.

Шуларни назарда тутиб, мазкур бобнинг иккинчи қисмида бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги назарий муноабатларга тўхталиш лозим топилди. Тадқиқот ишимизнинг бошида бадиий таржима шу соҳанинг бошқа турларига караганда энг мураккаби эканлигини таъкидлаб ўтгандик. Агар таржимани услуб жиҳатидан турларга ажратадиган бўлсак ва ушбу турларнинг ўзига хослиги хусусида сўз юритадиган бўлсак, улар орасидаги фарқлар, таржима жараёнда қўлланадиган услуб ва усулларнинг

⁷Аваз Полвонниёз (Ўтар) ўғли “Тил” газалидан парча <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1213-kitob.html>

⁸Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1978. – 93 б.

⁹Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 7 б.

кўп ёки камлиги, тил сатҳларига нисбатан таржимоннинг ёндашуви ва энг асосийси, таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар соҳасидаги ўзгача фарқ ва ўхшашликларни кўришимиз мумкин.

А.Картер ва В.Наш тилдаги бадиийлик ҳақида бадиий матнларда аниқланиши мумкин бўлган бадиийлик белгилари мавжуд бўлиши, стилистик бўёқдорликка, яратилган қўшимча маъноларга ва уларнинг матнга алоқадорлиги бўлиши сингари муҳим фикр-мулоҳазаларни таъкидлаб ўтишади¹⁰.

Ушбу жиҳатлар бадиий асарни бадиий бўлмаган асардан фарқловчи омил ҳисобланиб, бадиий асарларни аниқлаш мезони саналади.

Юқоридаги жиҳатлар ҳақидаги фикрни давом эттирган ҳолда, биз, адабиётнинг бадиийлик даражасини аниқлаш ва бадиийлик тушунчасини изоҳлаш учун муҳим бўлган қўшимча мезонлар сифатида *асарни бирдан ортиқ даражада ўқиш эҳтимоли, символизм, инсоннинг ички кечинмалари, туйғу ва ҳиссиётлари* ифодасини ҳам муҳим деб биламиз.

“Бадиий таржиманинг прагматик масалалари” деб номланган учинчи қисмда таржимада мутаносиблик яратиш учун турли тиллар воситаларини қиёсий ўрганиш, бадиий матннинг эстетик ўзига хослигини, унинг таъсирчанлиги ва образлилигини таъминловчи услубий ва прагматик хусусиятларни аниқлашга доир фикрлар умумлаштирилди.

Таржима тилида аслият тили лексик бирликларининг коннотатив маъносини ҳам ҳисобга олишнинг аҳамияти тўлақонли таржимага эришишнинг омилдир. Коннотация масаласининг талқини таржиманинг прагматик аспекти ҳақидаги масалага тўхталиб ўтишни тақозо қилади¹¹.

Умуман олганда, таржима қилинадиган материалларнинг юқорида келтирилган конкрет турларини айтиш билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, прагматик аспекти ҳисобга олиш *эквивалент лексика* деб номланадиган атоқли отлар, географик номлар ва турли хил маданий-маиший реалиалар таржимасида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, аслиятдаги матнда имплицит (аслият тили эгасига унинг “дастлабки билими”нинг бир қисми сифатида маълум бўлган), яъни таржима тили эгалари учун мавҳум шаклга эга бўлган ахборот таржима тилида эксплицит (аниқ, тушунарли), яъни конкрет тарзда ифодаланади. Қиёсланг:

“Where you girls from?” I asked her again... “Seattle, Washington...” (J.Salinger, The Catcher in the Rye, 10) - “Қизлар, сизлар қаердансизлар?”, - деб тақроп сўрадим. “Сиэтлдан, Вашингтон штатидан”.

Турли тиллардаги лисоний бирликлар ҳар доим ҳам бир-бирини тўла-тўқис алмаштира олмайди, бир тилга хос бўлган сўз иккинчи тилда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, қуйидаги мисолдаги, *“A prison on Robben Island”* сўзини ўзбек тилига таржима қилганда унинг аслиятдаги маъносини бериш, яъни прагматик таржимага эришиш учун таржимон баъзи лисоний воситалардан фойдаланади ва уни *“Робен Айленддаги қамоқхона”* деб эмас,

¹⁰Carter A, Nash W. Language and literariness. Prose Studies, 1983. –123–41 p.

¹¹Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam/Philadelphina: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P184 p.

балки “Роббен Айленд оролидаги қамоқхона” деб таржима қилади, Бу ерда аслиятда акс этган маъно ўзбек рецептори (китобхон)га тушунарли бўлиши учун “орол” сўзи кўшилган.

Хуллас, таржимада прагматик салоҳиятнинг қанчалик тўғри акс эттирилганлиги бадиий асарнинг китобхонга таъсир кучи, унинг бадиий қиммати, ўзига кўплаб китобхонларни жалб қила олиши билан белгиланади. Бу жараёнда таржима матни ўқувчиси асардаги бадиий-эстетик завқни асар муаллифидек ҳис қила олиши керак. Бундай матн таржимасининг прагматик вазифаси таржима тили матнида ҳам худди аслиятдагидек китобхонда бадиий-эстетик таъсир уйғота оладиган матн яратишдир.

Иккинчи боб “Ўткан кунлар” романида лексик-стилистик ифода воситаларининг кўлланиши” деб номланади. Унинг биринчи қисми метафоранинг “Ўткан кунлар” романида кўлланиши ва унинг бадиий таржимадаги маъно нозикликлари хусусиятлари тавсифига бағишланган.

Бадиий матнда турли хил воқеа-ҳодисалар, предметлар, асар қаҳрамонларини тасвирлашда стилистика жуда муҳим ҳисобланади.

Маълумки, дунё тилшунослигида стилистиканинг объекти ҳисобланган стилистик усулларга фонографик стилистик усуллар, синтактик-стилистик усуллар, лексик-стилистик усуллар киритилади.

Бугунги кунда мазкур стилистик усулларни тадқиқ қилиш лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика, антропологистика, прагмалингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика каби соҳаларда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилиб келинаётганлиги ҳамда “Ўткан кунлар” романида метафора, метонимия ҳамда муболаға стилистик усуллари фаол кўлланганлиги ушбу стилистик усулларни атрофлича тадқиқ қилинишига сабаб бўлди.

О.И. Глазунова кўрсатганидек, бадиий матнга метафорали кўчимларни кўчиришнинг лисоний механизмлари ўта турфа хил ¹².

Метафора маъно жиҳатдан ўрганилиб, аввал том маънода, сўнгра идиоматик маънога қаратилиб, аста-секин жараёни шакллантиради. Агар дунёдаги тилларнинг аксариятида метафора бўлса, демак, биз тилнинг метафорик моҳияти инсон табиатининг рад этилиши, деб айта оламиз.

Жумладан, А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги қуйидаги парчага эътиборимизни қаратсак:

*Сарой аҳли кундузги иш кунларидан бўшаб ҳужраларига қайтқанлар, кўб ҳужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хоҳолаб қулишишлари саройни кўкка кўтаргудек*¹³.

Ўзбек халқининг чин маънода ўзига хос миллийлигини акс эттирадиган мазкур романнинг ушбу парчасида метафора лексик-стилистик усули *кечлик ош пишириш ила машғул, сарой жонлиқ, саройни кўкка кўтаргудек* каби

¹²Глазунова О.И. Логика метафорических преобразований. –СПб., 2000. – С. 140–168.

¹³А.Қодирий. О’тканкунлар. –Тошкент: “Sharq”, 2009. – 6 б.

бирликларда метафора қўлланган. Бу ерда хужралар, сарой сўзлари орқали одамлар, савдогарлар ифодаланмоқда.

*Оғир табиатлик, улуг завдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит*¹⁴.

Муаллиф мазкур парчада романдаги бош қаҳрамонлардан бири Отабекни тасвирлашга ҳаракат қилган. Бу ерда *мурти сабзи урган* тасвирий ифодаси орқали Отабекни ўспирин бир йигит, ёши йигирма-йигирма иккилар атрофида эканлигини кўрсатиб, бадий адабиётнинг ўзига хос бадий эстетик қийматини намоён этмоқда.

*Қандоздир бир хаёл ичида ўлтурғучи бу йигит Тошканднинг машҳур аъёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек*¹⁵.

*Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шуҳрати нимаучундир бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашканда унинг отиға тақилган лақабни қўшиб айтмасалар, ёлғиз «Ҳомидбой» дейиши ила уни танита олмайдилар*¹⁶.

Романдаги салбий қаҳрамон бўлмиш Ҳомидга берилган таърифдан муаллиф бадий тасвирий восита, яъни метафорадан моҳирона фойдаланиш орқали ёритиб берган. Бу ерда *орқасидан сўзлашган* (аслида: у ҳақида гапирганда), *отиға тақилган* (аслида: исмига қўшиб айтиладиган) сўз бирикмаларида метафора лексик-стилистик усул қўллаган.

*Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. — Уйлангач, хотининг таъбингга мувофиқ келса бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас*¹⁷.

Ушбу матнда метафора лексик-стилистик усули *уйланишдек нозик иш* ва *оғир гап* бирикмаларида қўлланган. “Уйланишдек нозик бир иш” бирикмаси аслида “турмуш қуришга жиддий эътибор қаратиш”, “етти ўлчаб бир кесиш”, “кичик бир хато бутун умрга татиғулик ташвишга айланиши мумкин бўлган амал” каби маъноларда қўлланилмоқда. “Оғир гап” бирикмаси эса, юқорида таъкидлаб ўтилган “бутун умрга татиғулик ташвиш” маъносида қўлланмоқда. Аслида ишнинг нозиги бўлмаганидек, гапнинг оғири ҳам бўлмайди. Бу ерда метафорик кўчма маъно орқали бадий адабиётнинг сержилолиги кўрсатиб берилмоқда.

“Метонимиянинг “Ўткан кунлар” романида воқеланиши” деб номланган иккинчи қисмда метонимиянинг бадий матндаги когнитив ва концептуал типлари тавсифларига эътибор қаратилди. Метонимия - икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган кўчим эмас. Метонимияда бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқасига кўчирилади, бироқ бу номлаш нарсалар ўртасидаги ўхшашликка эмас, балки улар ўртасидаги яқинликка, алоқадорликка асосланади. Шу сабабли метонимия маъно кенгайишига ва лексик бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтишга сабаб бўлади.

¹⁴А.Қодирӣ. О'ткункунлар. –Тошкент: “Sharq”, 2009. – 6 б.

¹⁵А.Қодирӣ. О'ткункунлар. –Тошкент: “Sharq”, 2009. – 6 б.

¹⁶А.Қодирӣ. О'ткункунлар. –Тошкент: “Sharq”, 2009. – 7 б.

¹⁷А.Қодирӣ. О'ткункунлар. – Тошкент: “Sharq”, 2009. – 10 б.

А. Ҳожиёвнинг фикрича, бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш; шундай қўллаш асосида бир предмет, ҳаракат, белги номининг бошқа предмет, ҳаракат ёки белгига кўчиши орқали метонимия ҳодисаси содир бўлади. Сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида метонимия муҳим роль ўйнайди¹⁸. Метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг белгилари кўчирилса, метонимияда бу икки предмет ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо, умуман бир-биридан фарқ қилувчи предметларнинг белгилари чоғиштирилади¹⁹.

Метонимиянинг когнитив кўриниши анъанавий фикрлардан бироз фарқли мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Метонимия амалий ҳодиса сифатида қаралади ва кишиларнинг борлиқни тушуниш ва ўз тилини бойитиш воситаси сифатида кундалик ҳаётида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Анча йиллар давомида кўплаб олимлар метонимия сўзини икки сўз ўртасидаги муносабат ва яқинлик сифатида таърифлаб келишди. XX аср лингвистлари орасида Роудет ва Улманни ҳамда уларнинг метонимияда илгари сурган янги йўналишларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Роудетнинг фикрича, метонимия, Кочнинг янги нуктаи назарига кўра, ғоялар ўртасидаги концептуал қарама-қаршиликка асосланган²⁰. С.Улманнинг семантик ўзгариш тўғрисидаги назарияси эски ва янги маънолар ўртасидаги ўзаро муносабатга асосланган²¹.

Бир сўз билан айтганда, метонимия - бу инсон билими ва муносабатини тоифага ажрата оладиган кўплаб усуллардан бирини акс эттирадиган умумкогнитив жараён дир.

- *Манимча, ўриснинг биздан юқоридалиги унинг иттифоқидан бўлса керак, - деди Отабек, аммо, бизнинг кундан-кунга орқага кетишимизга ўзора низоимиз сабаб бўлмоқда, деб ўйлайман, бошқа хил айтганда Зиё амакининг фикрлари қисман тўғри*²².

Ушбу парчада қўлланилган ўриснинг биздан юқоридалиги бирикмасида юқори сўзи орқали русларнинг бизга қараганда юқори поғона, юқори даража, юқори мавқеда эканлиги маъноларида қўлланилган. Ушбу гапда метонимия сўзлардан бирининг тушиб қолиши орқали ўз маъносини ифодалаган.

*Агарда хон кўтариши маним қўлимда бўлса эди (синекдоха), хон қилиб Отабекни кўтарар эдим...*²³.

Ушбу гапда қўлланилган хон кўтариши бирикмаси метонимик йўл билан маъно кўчириш орқали ясалган. Шу жумлада қўлланилган хон кўтариши бирикмаси хон тайинлаш, хон танлаш маъноларини билдириб, гапни эстетик

¹⁸Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: 1985.– 54 б.

¹⁹Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: 1983. – 237 б.

²⁰Koch P. (1999). Frame and Contiguity: On the Cognitive Bases of Metonymy and Certain Types of Word Formation. In K.U. Panther and G. Radden (Eds), *Metonymy in Language and Thought*, 139-167. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins Publishing Company.

²¹Ullmann S. (1962). *Semantic, An Introduction to the Science of Meaning*. –Oxford: Basil Blackwell.

²²A.Qodiriy. O'tkan kunlar. – Тошкент: "Sharq", 2009. – 18 б.

²³O'sha asar. – 19 б.

бўёқдорлигини яна ҳам оширган. Яна бир *маним қўлимда бўлса эди* бирикмасида синекдоха йўли билан кўчма маъно ифодаланган. Бу ерда *маним қўлимда бўлса эди* бирикмаси *менга боғлиқ бўлса эди, имкониятим бўлса эди* маъноларини ифодалаб келган. Қисм (қўл) орқали бутун (имконият) ифодаланган.

Умуман олганда, метонимия стилистик усули ҳам бадиий матнда кенг қўлланиб, у орқали бадиий матн муаллифи бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номини бошқасига яқинлиги, алоқадорлиги асосида кўчириш билан кўшимча кўчма маъно ясайди. Кўринадики, лисоний тежамкорлик бадиий таржима турларида ҳам кенг қўлланади.

Учинчи қисмда муболағанинг “Ўткан кунлар” романида ишлатилиши муҳокама қилинди. Муболаға нарса, ходиса, жараёнларнинг белги-хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлашдир²⁴. Муболаға бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъноларини билдиради. Муболаға ҳам, асосан, кўчма маънога асосланган. Лекин, тропнинг бошқа турларида кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатиш ёки бошқа бирор предмет ва воқеа-ҳодиса тушунилса, муболағада ҳаддан ташқари кучайтириш ёки кичрайтириш тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади. Муболаға усулидан фойдаланаётганда у ҳақиқатга қай даражада мос келишига аҳамият бериш керак. Акс ҳолда муболаға бадиий бўёқ бериш ўрнига ўқувчида ишончсизлик уйғотиши мумкин²⁵. Муболағанинг сўз маъноси кўчишига асосланиши унинг троплар гуруҳига мансублигини кўрсатса ҳам, у тропнинг бошқа кўринишларидан фарқ қилади. Шунга кўра, муболаға тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади.

С.Бургерс ва бошқалар муболағани “асл маъносидан кўра ортиқроғини ифодаловчи тушунча” деб тушунтиради. Бошқача айтганда, улар муболаға нималигини аниқлашимизга ёрдам берадиган учта асосий белгини айтади. Биринчиси - бўрттириш. Иккинчиси - сўзнинг асосий маъносидан бошқа маънода қўлланилиши ва, энг охиргиси, муболаға ишлатилаётганини кўрсатувчи махсус белгиланган ҳавола бўлиши кераклигидир²⁶.

Шундай қилиб, муболаға ишлатилганда, сўзловчи ўз маъносидаги гапни бошқа бир нарсани айтиш учун, унчалик бўрттирилмаган ҳолатда айтади. Шундай бўлганида сўзловчилар тингловчилардан улар ифодаламоқчи бўлган фикрни унчалик бўрттирилмаган ҳолда тушунишларига умид қилади.

- *Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, - деди, - шундоғ кўҳликки, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман (4 бет).*

Ушбу кўшма гапда қўлланилган *бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас* гапи муболаға йўли билан кўчма маъно ифодалаб келган. Бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас гапи Кумушнинг жуда чиройли, латофатли эканлигини ифодалаган.

²⁴Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – 30 б.

²⁵Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: 1983. – 244 б.

²⁶Burgers C., Brugman B. C., Lavalette K. Y., & Steen G. J. (2016). HIP: A Method for Linguistic Hyperbole Identification in Discourse. *Metaphor and Symbol*, 31(3), 163-178. doi:10.1080/10926488.2016.1187041.

Бу махтовлар билан *терисига сизмай кеткан* Ҳасанали жавоб берди (8 бет).

Ушбу гапда қўлланилган *терисига сизмай кетди* ибораси муболаға лексик бирлиги билан ифодаланган ва кўчма маъно ифодалаган. Агар *терисига сизмай кетди* иборасини тўғридан-тўғри тушунадиган бўлса, *терисига сизмай кетиш* имкони йўқ ишдир. Ушбу ибора қаттиқ *хурсанд бўлиб кетди* маъносида қўлланилган.

Аҳли мажлис Отабекни *кўкларга кўтариб мақтар эди*, лекин, Ҳомид бу мақташларга иштирок этмас ва нимадандир ғижингандек кўринар эди (8 бет).

Муаллиф ушбу гапда қўллаган *кўкларга кўтариб мақтар эди* гапи муболаға лексик бирлиги орқали кўчма маъно ифодалаган ва гапнинг стилистик бўёқдорлигини оширган. *Кўкларга кўтариб мақтар эди* гапи аслида эса ҳар томонлама у ҳақида яхши гаплар айтилар эди маъносини ифодалаб келмоқда.

Демак, муболаға тилнинг шундай кўчма маъноли бирлигики, бунда сўзловчи бир сўзни ишлатиб, бошқа маънони назарда тутлади. Бошқа сўз билан айтганда, айтилган сўзнинг луғавий маъноси унинг нутқдаги маъноси билан бир хил бўлмайди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўткан кунлар**” романининг **инглизча таржимасида стилистик воситалар ва фразеологик birlikларнинг берилиши**” деб номланган. Учинчи бобнинг биринчи қисми “Бадиий матн таржимасида услуб ва усулларнинг қўлланиши”га бағишланган. Ҳар қандай асар таржима қилинаётганда иложи борича аслига яқин қилиб таржима қилишга ҳаракат қилинади. Бунда муаллифнинг ўзига хос асар ёзиш услуби ва техникаси ҳисобга олиниши керак. Моҳир таржимон асарни таржима қилаётганда уни аслиятга яқинроқ чиқишини таъминлайдиган таржима усуллари билиши лозим. Шулардан бири трансформациядир.

Трансформация атамаси тилшуносликнинг кўплаб соҳаларида қўлланилади. Бу атаманинг тўла маъносини англаб олиш учун турли луғатларга мурожаат қилишимиз зарур бўлади.

О.С. Ахманова муҳаррирлиги остида тузилган лингвистик атамалар луғатида трансформацияга қўйидаги таърифлар берилган:

1) асосий моделларни маълум қонуниятларга асосланган ҳолда ўзгартириб, иккиламчи тил структураларини яратиш усуллари билан бири;

2) берилган тил сатҳидаги ўхшаш гап ва фразалар морфо-синтактик мослигининг рамзий ифодаланиши²⁷.

Н. Ярцева таҳрири остида чиққан тилшунослик луғатида трансформацияга содда синтактик қурилмаларнинг мураккаблашуви деб таъриф берилган²⁸.

Винай ва Дарбелнет ва Малбланкларнинг қиёсий-стилистикасида таржима усуллари қўллаш ҳақидаги таснифларида сўзма-сўз таржима усули ва сўзма-сўз бўлмаган таржима усули ҳақида фикр юритилган²⁹.

²⁷<http://uz.denemetr.com/docs/768/index-34006-1.html?page=2>

²⁸Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н.. Таржима назарияси. – Тошкент: 2012. – 37 б.

²⁹Vinay, J.P. and J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l’anglais, – Paris: Didier: Georgetown

Демак, бадий таржимада таржимон томонидан қўлланадиган таржима методлари ва усуллари ўзига хос аҳамият касб этиб, уларнинг қўлланиши асар муаллифининг асарда қўлланган сўзлар хилма-хиллигининг бойлигига, бадий-эстетик завқ яратиш мақсадида турли хил тасвирий воситалардан фойдаланганлигига, бадий адабиётда замон ва макон тамойилига кўра турли хил ахборотларни қўллаганлигига боғлиқ бўлади.

Бобнинг иккинчи қисми “Метафора, метонимия, муболаға лексик-стилистик воситаларининг аслият ва таржимада берилиши” деб номланган. Тадқиқотнинг мазкур бўлимида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида қўлланган метафора, метонимия, муболаға ва фразеологик birlikларни инглиз тилига ўгириш муаммолари таҳлил қилинди.

Таржимашуносликда таржима услуби (translation method), таржима усули (translation tools), таржима техникаси (translation technique), таржима процедуралари (translation procedures), таржима трансформациялари (translation transformation), таржима стратегияси (translation strategy) каби фундаментал тушунчалари борасидаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди ҳамда уларнинг фарқли томонлари аниқлаштириб олинди.

А. Хуртадонинг тўғри таъкидлашича, “таржима услуби, таржима стратегияси ва таржима усули бир-биридан фарқ қиладиган категориялардир”³⁰. Биз бу фикрга қўшилаемиз, чунки таржима жараёнида мазкур терминлар вазифаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, яъни таржима методи бутун матнга нисбатан, таржима усули матндаги кичик лексик birlikларга нисбатан танланади.

Таржима стратегияси юқоридаги танловларни режалаштиришни белгилаб беради.

Стилистик усулларни таржима қилиш стратегияларига У.Йўлдошев³¹, Крингс³², Венути³³ ва бошқалар аҳамият қаратган. Бу борада уларнинг таржима стратегияси хусусидаги мулоҳазалари алоҳида аҳамият касб этади. Метафорани таржима қилиш жараёнида тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

М. Ларсон метафорага “He is a sheep/У қўйдир” жумласини мисол келтиради. Бу гап турли маданиятларда, ўзларининг маҳаллий маданияти контекст (вазият)ига асосланган ҳолда, турли маъноларга эга. Бу жумла “ўйламасдан иш тутадиган одам” тарзида таржима қилиниши мумкин ёки бошқа маданиятда бу гап “қизларни ўзига жалб қиладиган ёш йигит” тарзида ёки бошқа кўплаб шаклларда ифодаланиши мумкин. Ушбу ҳодисани

University Press, 1977. –331 p.

³⁰Hurtado A. La traductología: lingüística y traductología, Trans 1., 1996. – 151-160 p.

³¹Йўлдошев У.Р. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида). Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: 2017. –17 б.

³²Krings H.P. Translation Problems and Translation Strategies of Advanced German Learners of French. Interlingual and intercultural communication.– Tubingen: Gunter Narr, 1986.– 263-75 p.

³³ Venuti L. Strategies of Translation. Encyclopedia of Translation Studies.– London and New York: Routledge, 1998.– 240-244 p.

баргараф этиш учун М.Ларсон метафорани таржима қилишнинг 5 та усулини айтиб ўтган.

Тафаккур модели ўхшаш бўлганлиги туфайли инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам метафорик ифодаларни учратиш мумкин. Масалан, инглиз тилидаги “we need more hands” метонимик ифодаси ўзбек тилида ўз ифодасига эга, яъни “бизга кўпроқ қўллар керак”. Бу сўзма-сўз таржима методи орқали таржима қилинади.

Бобнинг метафора, метонимия, муболаға лексик-стилистик воситаларини таржима матнида акс эттириш йўллари таҳлилга тортилган учинчи қисмида аслият билан таржима матнлар қиёсий жиҳатдан таҳлилга тортилиб, назарий муносабат билдирилди. Бизга маълумки, А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи турли стилистик усулларни ўзида мужассам этган кенг бадиий-эстетик қийматга эга асар. Шу боис, романи таржима қилиш жараёнида, таржимонлар И. Тухтасинов, О. Мўминов, А. Ҳамидов ҳамда Кэрол Ермаковаларнинг ҳам таржима қийинчиликларига дуч келгани табиийдир. “Ўткан кунлар” романининг асл матнида қўлланган ўзбек миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи метафора, метонимия, муболаға каби стилистик усулларнинг семантик-когнитив табиатини аниқлаб олганимиз бизга бу лисоний birlikларнинг инглиз тилидаги таржима матнида қандай тақдим этилганини таққослаб ўрганиш имконини яратди. Қуйида миллий воқеликни акс эттиришнинг лисоний-стилистик воситалари сифатида ўзбек бадиий матнида қўлланган метафора, метонимия, муболаға ва фразеологик birlikларнинг инглиз бадиий матнига таржима қилинишда миллий-маданий қийматнинг сақлаб қолиниш йўллари кўриб чиқамиз.

Аслият матни: *Оғир табиъатлик, улуг завдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган, қора кўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит.*

И.Тухтасинов, О.Мўминов, А.Ҳамидов таржимаси: *While there were light-minded, tiresome, not serious people in those rooms, here was a smart man looking totally different: quiet, strong and tall in his stature, handsome with a white-skinned face, black eyes, going well with his black eyebrows, his first moustache just appearing on his face - a young, very handsome fellow was sitting there.*

Кэрол Ермакова таржимаси: *Calm and reserved, of stately build, with a handsome, alabaster face, ebony eyes under equally ebony brows, and a light fuzz of moustache just showing through - such was our young man.*

Ушбу матнда “Оғир табиъатлик”, “мурти сабз урган” бирикмалари орқали метафорик маъно ифодаланган. Муаллиф бу бирикмалар орқали асарнинг бош қаҳрамони Отабекнинг характери ва ташқи қиёфасини тасвирлашда фойдаланган. “Оғир табиъатлик” метафорик бирикмаси орқали қаҳрамоннинг характерини босиқ, мулоҳазали каби хусусиятларини ёритиб берган. “Мурти сабз урган” бирикмаси орқали Отабекнинг ўспирин, ёшининг 20-22 ёшларда эканлигини тасвирлаган.

Асарда қўлланган метафорик маъно кўчишларни инглиз тилига икки таржималарини солиштириш жараёнида қуйидагича хулосага келдик.

